



**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ”  
ХАЛҚАРО ИЛМІЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**



**“PROBLEMS OF FISHERMEN DEVELOPMENT IN  
UZBEKISTAN AND PROSPECTS” INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC - PRACTICAL CONFERENCE**



**Бухоро – 2021 йил**

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ  
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021 йил, 9-10 июль**

**Бухоро - 2021**

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**Илмий анжуманнинг дастурий қўмитаси**

О.Х. Хамидов	Университет ректори, раис;
О.С. Қаҳҳоров	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини;
Ҳ.Т. Артикова	Агрономия ва биотехнология факультети декани, б.ф.д., профессор, аъзо;
С.Б. Бўриев	Биология кафедраси профессори, аъзо;
М.М. Тўраев	Биология кафедраси мудири в.б., б.ф.н., доцент, аъзо;
Х.А. Алимжонова	ЎзР ФА Ботаника институти етакчи илмий ходими, б.ф.д., профессор, аъзо;
А.Р. Кузметов	Астрахан давлат техника университети, Тошкент филиали, Сув биоресурслари ва аквакультура кафедраси мудири, б.ф.д., профессор, аъзо;
М.А. Шаймқулова	Ош давлат университети б.ф.н., доцент, Қирғизистон, аъзо;
Б.М. Шералиев	Хитой Халқ Республикаси Чангкинг Жанубий-Ғарбий университети, (PhD) доктори, аъзо;
Ш.Р. Шаропова	Биология кафедраси таянч докторанти, котиба.

**Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси**

О.С. Қаҳҳоров	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис;
Ҳ.Т. Артикова	Агрономия ва биотехнология факультети декани, б.ф.н., профессор, раис муовини;
Ў.У. Рашидов	Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо;
Г.Т. Зарипов	И, Т ва ИПКТ бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент, аъзо;
А.М. Қобилов	Агрономия ва биотехнология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, б.ф.д., (PhD) аъзо;
Ш. С. Пардаев	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Н.Э. Рашидов	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Б.Б. Тохиров	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Ҳ.Қ. Эсанов	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Н.А. Шамсиев	Биология кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
Л.Т. Юлдошов	Биология кафедраси таянч докторанти, аъзо;
Э.Б. Жалолов	Биология кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
У.Э. Шомуродов	Бухоробалиқ М.Ч.Ж. раиси, аъзо;

Тўпلام Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 9-10 июль кунлари Бухоро давлат университети биология кафедрасида “Ўзбекистон шароитида балиқчиликни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

**ТЎПЛАМДАГИ МАҚОЛАЛАРНИНГ ИЛМИЙЛИГИ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИГИГА  
МУАЛЛИФЛАР ШАХСАН ЖАВОБГАРДИРЛАР!**

**Масъул муҳаррир:**

**С.Б. Бўриев**, биология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**М.М. Тўраев**, биология фанлари номзоди, доцент

**Н.Э. Рашидов**, биология фанлари номзоди, доцент

УЎК: 3176.597

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ “ЗИКРИ”, “ХАДИЧА” ВА “ДЕВХОНА” КЎЛЛАРИНИНГ  
ГИДРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ  
ГИДРОХИМИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ И СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОЗЕРОВ  
«ЗИКРИ», «ХАДИЧА» И «ДЕВХОНА» БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ  
HYDROCHEMICAL STATE AND COMPARATIVE ANALYSIS OF LAKES "ZIKRI",  
"KHADICHA" AND "DEVKHONA" IN THE BUKHARA REGION

<sup>1</sup>Усмонова Д.Б., <sup>2</sup>Раунова М.Х., <sup>3</sup>Давронова Ш.Б.

Бухоро давлат университети,  
Bukhara Stat University,

**Аннотация:** Мақолада Бухоро вилоятининг “Зикри”, “Хадича” ва “Девхона” кўлларининг гидрохимёвий ҳолати ва қиёсий таҳлили берилган.

**Аннотация:** В статье дается сравнительный анализ гидрохимического состояния озер «Зикри», «Хадича» и «Девхона» Бухарской области.

**Annotation:** The article provides a comparative analysis of the hydrochemical state of the lakes "Zikri", "Khadicha" and "Devkhona" in Bukhara region.

**Калит сўзлар:** Гидрохимёвий таҳлил, шўрланиш ва хлорланиш даражаси, Зикри кўли, Девхона кўли, Хатича кўли

**Ключевые слова:** Гидрохимический анализ, уровни солености и хлорирования, озеро Зикри, озеро Девхона, озеро Хатича

**Key words:** Hydrochemical analysis, salinity and chlorination levels, Lake Zikri, Lake Devkhona, Lake Khaticha

Ўзбекистонда кейинги йилларда балиқ етиштириш ҳажмини оширишга, аҳолини ушбу тақчил қимматбаҳо маҳсулот билан эҳтиёж даражасида таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва мавжуд сув заҳираларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга жуда катта эътибор берилмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар жумладан, 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2939 - сонли, 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4005-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги “Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 606-сон қарорлари бу ҳақда шохидлик қилади. Шу билан бирга балиқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришни ҳар бир сув ҳавзаси учун ишлаб чиқилган биологик асосларсиз тасаввур қилиш қийин. Биологик асос эса сув ҳавзасидаги мавжуд балиқ заҳираларидан самарали фойдаланиш ва уларда янги инновацион, нисбатан маҳсулдор технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган лойиҳаларни камраб олиши лозим. Ўзбекистондаги бир қатор сув ҳавзаларида (Тўдакўл сув омбори, Айдар-Арнасой кўллар тизими) охириги йилларда тадқиқот ишлари ҳар ҳолда қилинган бўлса-да бошқа сув ҳавзаларида бундай тадқиқотлар умуман ўтказилмаган, ёки ўтказилган тадқиқотлар режали иқтисод (собиқ иттифок) даврига тўғри келади, республикадаги барча сув ҳавзаларнинг гидрографик хусусиятлари ҳозирга келиб бутунлай ўзгариб кетди, оқова сувлар тўпланиб иккиламчи гидроэкосистемани ҳосил қилди (Зикри кўли, Девхона ва Хадича кўллари ҳам шундай сув ҳавзалар тоифасига киради).

“Зикри” (“Кемачи”), “Хадича” ва “Зикри” кўлларидаги шўрланиш ва хлорланиш даражалари куйида берилган.


Девхона, Хадича ва Зикри (Кемачи) кўлларнинг 2020-2021 йиллардаги шўрланиш ва хлорланиш даражаси кўрсаткичлари

Кўлларнинг номи	Шўрланиш даражаси	Хлорланиш даражаси
<b>Июнь ойи</b>		
Девхона кўли	3,896	0,442
Зикри (Кемачи) кўли	3,896	0,443
Хатича кўли	4,598	0,931
<b>Июль ойи</b>		
Девхона кўли	3,896	3,443
Зикри (Кемачи) кўли	3,896	0,446

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Хатича кўли	6,165	1,064
<b>Сентябрь ойи</b>		
Девхона кўли	11,183	3,090
Зикри (Кемачи) кўли	12,276	2,286
Хатича кўли	9,892	3,001
<b>Октябрь ойи</b>		
Девхона кўли	11,229	2,393
Зикри (Кемачи) кўли	14,170	3,983
Хатича кўли	7,920	3,280
<b>Ноябрь ойи</b>		
Девхона кўли	5,052	0,886
Зикри (Кемачи) кўли	5,062	0,872
Хатича кўли	5,7	0,971
<b>Декабрь ойи</b>		
Девхона кўли	5,136	0,975
Зикри (Кемачи) кўли	6,136	0,875
Хатича кўли	5,688	0,886
<b>Январь ойи</b>		
Девхона кўли	6,620	1,064
Зикри (Кемачи) кўли	10,962	2,039
Хатича кўли	12,107	2,127
<b>Февраль ойи</b>		
Девхона кўли	10,089	2,260
Зикри (Кемачи) кўли	12,260	2,349
Хатича кўли	14,703	3,014
<b>Март ойи</b>		
Девхона кўли	8,618	1,773
Зикри (Кемачи) кўли	13,9	2,3
Хатича кўли	16,700	3,014
<b>Апрель ойи</b>		
Девхона кўли	8,7	1,595
Зикри (Кемачи) кўли	10,006	2,393
Хатича кўли	11,154	2,925
<b>Май ойи</b>		
Девхона кўли	8,925	2,107
Зикри (Кемачи) кўли	10,342	2,748
Хатича кўли	12,148	3,989
<b>Июнь ойи</b>		
Девхона кўли	8,325	2,127
Зикри (Кемачи) кўли	10,342	2,248
Хатича кўли	12,148	3,989

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**



**Девхона, Хадича ва Зикри (Кемачи) кўллари 2020-2021 йиллардаги шўрланиш диаграммаси**

Кўллари амалда инсон томонидан барпо этилган окова сувлар тўпланадиган учта гуруҳи – Амударёнинг куйи оқимидаги, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ва Зарафшон дарёсининг куйи оқимидаги кўллари назарий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Йирик Аму-Бухоро машина канали қурилгандан кейин сув Амударёнинг ўрта оқимидан Зарафшоннинг куйи оқимига қишлоқ хўжалиги мақсадларида йўналтирилди. Сизот сувлари бир қатор нисбатан янгидан барпо бўлган ёки қадимги шўрхок кўллари ўрнида ёхуд бошқа табиий чуқурликларда тўплана бошланди. Бухоро вилоятидаги Девхона, Хатича ва Зикри кўли ҳам мана шундай кўллари тоифасига киради. Мазкур кўл ҳозирги ҳолатида яқиндагина (кейинги 20-йил давомида) пайдо бўлди ва сизот сувларини тўплашда давом этганлиги учун ундаги шароит мунтазам равишда ўзгариб туради.

Табиий балиқ захиралари ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан жуда ночор аҳволда, ихтиологлар анчадан буён, Орол денгизи ҳавзасидаги сув ҳавзалари ва ҳатто, бир неча юз йилик тарихга эга бўлганларининг ҳам табиий маҳсулдорлиги гектарига 3-5 кг дан ошмаслигини таъкидлашади. Бу тақчил бўлган балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш учун жуда камлик қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда нисбатан янги маҳсулдорлиги юқори технологик ёндошувларни ишлаб чиқиш тақозо этилади. Балиқларни саноат усулида овлашни оптималлаштириш мақсадида ихтиофаунани сунъий шакллантириш усулидан фойдаланилади (маҳсулдорлик гектарига 8 - 15 кг дан ошиши мумкин), сув ҳавзасидан янада самарали фойдаланиш учун яйлов аквакультураси технологиясидан (маҳсулдорлиги гектарига 40-60 кг ва ундан юқори), бунданда юқори маҳсулдорликка эга бўлган (100 кг/м<sup>3</sup>) аквакультура технологияларини қўллаш зарур. Бу вариантларнинг барчаси сув ҳавзасини ва унга сув олиб келувчи каналларни жуда чуқур, комплекс тарзда ўрганишни талаб этади.

**Хулоса:** Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган Хатича, Зикри ва Девхона кўллари гидрохимёвий таҳлил натижалари деярли бир-бирига тўғри келади. Шу сабабдан балиқчилик мақсадларда яйлов аквакультурасини технологияси истиқболли ҳисобланади.

**Фойдаланган адабиётлар**

1. Мустафаева З.А., Мирзаев У.Т., Камилов Б.Г. Методы гидробиологического мониторинга водных объектов Узбекистана // Методическое пособие. Ташкент: Изд-во «Наврўз», 2017.3 – 101 с
2. Юлдашев М.А., Курбанов Р.Б., Камилов Б.Г. Использование коллекторно-дренажной воды для прудового рыбоводства в Узбекистане// “Рыбохозяйственные водоёмы России: фундаментальные и прикладные исследования” II Всероссийский научный Конференция с международным участием. Санкт-Петербург 2018 2-4 апреля, С.602-608